# СОВЕТ-РУМИН ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМДИР!


БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 122. (2155).

22 ИЮНЬ ЖУМА 1962 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ




**Н. С. Хрушчев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг Румыния Халқ Республикасида бўлиши. Суратда: Н. С. Хрушчев ва Румыния Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Румыния Халқ Республикаси Давлат советининг раиси Георге Георгиу-Деж Бухарест аҳолисини табрикламоқдалар.**

ТАССнинг махсус фотомухбири **В. Соболев** фотоси,
(сурат фототелеграф орқали олинган).

## БУХАРЕСТ СОВЕТ МЕҲМОНЛАРИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

БУХАРЕСТ, 19 июнь. ТАСС махсус мухбирлари **Д. Бочаров** ва **К. Кравченко** хабар берадилар:

Бугун Н. С. Хрушчев бошлиқ совет партия-ҳукумат делегацияси Бухарестдаги «Гривица рошие» («Қизил Гривица») заводи коллективи ҳузурида меҳмон бўлди. Делегацияга Г. Георгиу-Деж, И. Г. Маурер, Н. Чаушеску, Г. Апостол ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлиб бордилар.

«Гривица рошие» темир йўлчилари Румыния ишчилар ҳаракати тарихида эски Руминиядаги террорга ва меҳнаткашларнинг аёвсиз эксплуатация қилинишига қарши олиб борган революцион курашлари билан машҳурдирлар. 1933 йилда темир йўлчилар нефтчилар билан биргаликда буржуа-помешчиклар тузумига қарши, мамлакатнинг империалистик давлатлар томонидан асоратга солинишига қарши, фашизмнинг йўлига ғов солиш учун Румыния Коммунистик партияси раҳбарлигида қаҳрамонона жанглар олиб борган эдилар.

Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида «Гривица рошие» корхонаси тамомила реконструкция қилинди ва янги техника билан қуроллантирилди. Ҳозир бу ерда вагонлар ремонт қилинибгина қолмай, айни маҳалда нефть заводлари ва қоғоз-целлюлоза фабрикалари учун ускуналар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Ишчилар завод ҳовлиси ёнида совет меҳмонларини самимий кутиб олдилар. Завод директори Думитру Мирон кекса ишчиларни ва инженер-техник ходимларни Никита Сергеевич Хрушчевга таништирди. Совет меҳмонлари ва уларнинг ҳамроҳлари маъмурий бинога кирдилар. Бу ерда завод раҳбарлари билан дўстона суҳбат бўлди. Н. С. Хрушчев коллективнинг иши, ишчиларнинг иш ҳақи билан қизиқди, «Гривица рошие» қандай маҳсулотлар ишлаб чиқараётганини суриштирди.

Шундан сўнг совет делегацияси ва румин ўртоқлар вагон ремонт ва механика цехларини кўздан кечирдилар. Совет делегациясининг бошлиғи монтажчи Ион Илие, токарлардан Николае Рэзбой, Героге Ене ва бошқа ишчилар билан суҳбатлашиб, уларга технология процесси тўғрисида саволлар берди.

Н. С. Хрушчев корхонани кўздан кечириб бўлгач, завод коллективига совғалар топширди.

Вагон ремонт заводининг байрамлардагидек безатилган кенг цехида митинг бўлди. Митингда «Гривица рошие» ишчиларидан ўн мингдан ортиқ киши қатнашди.

Н. С. Хрушчев, совет делегациясининг аъзолари ва Румыния раҳбарлари минбарга чиққанларида улар гулдурос, давомли қарсаклар ва румин-совет дўстлиги, КПСС ҳамда Румыния Ишчи партияси шарафига айтилган хитоблар билан кутиб олиндилар.

Завод партия ташкилотининг секретари Николае Александру, завод директори Думитру Мирон, 1933 йилдаги жангларда қатнашган ишчи Думитру Штефанеску совет халқи вакилларини табрикладилар.

Шундан сўнг, митинг қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинган Г. Георгиу-Деж нутқ сўзлади.

Совет делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев микрофон ёнига келади. Унинг мазмундор нутқи чуқур эътибор ва баланд руҳ билан эшитилди.

Г. Георгиу-Деж ва Н. С. Хрушчевнинг нутқлари гулдурос овация, «ура», «РХР — СССР!», «РИП — КПСС!», «Ишлаймиз, курашамиз, тинчликни ҳимоя қиламиз!» хитоблари билан тез-тез бўлиниб турди.

«Гривица рошие»даги митинг абадий ва бузилмас румин-совет дўстлигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.

БУХАРЕСТ, 20 июнь. (ТАСС). Румыния Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Румыния Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Г. Георгиу-Деж кеча Бухарестдаги «Гривица рошие» заводи ишчиларининг митингида нутқ сўзлаб бундай деди:

Н. С. Хрушчев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси икки кундан бери румин халқи орасида турибди. Румыния ва совет делегациялари ўртасидаги музокаралар тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтмоқда.

Г. Георгиу-Деж Румыния ишчилар синфининг ва коммунистларининг Октябрь ватани билан, шонли Ленин партияси билан дўстлик ва бирдамлик традициялари ҳақида гапиради.

Румыния халқи Улуғ Октябрнинг бутун инсониятга очиб берган йўлидан дадил бормоқда. Ленинизмнинг ғолиб идеялари, деди Г. Георгиу-Деж, — Руминияда ҳам тантана қилмоқда.

Жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турган яна бир масала, у ҳам бўлса Германия проблемасидир. Иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш ва шу тариқа Европа осмонини қоплаётган қора булутларни тарқатиб юбориш пайти келди.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Н. С. Хрушчев ўз нутқининг бошида совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси номидан митинг қатнашчиларини табриклаб, уларга муваффақиятлар ва бахт-саодат тилади.

Румыния халқи, деди Н. С. Хрушчев, совет халқига ўзининг қардошларча дўстлик ҳисларини ифодалаб, бизнинг делегациямизни қизғин, самимий кутиб олмоқда. Капиталистик мамлакатларнинг намояндалари буни тушунадилар, лекин очиқ эътироф қилишни истамайдилар, чунки буни эътироф қилиш социалистик ҳамдўстлигимизнинг монолитлиги тўғрисидаги, совет ва румин халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик тўғрисидаги ҳақиқатни халққа айтиб бериш демакдир.

Биз меҳнатсевар румин халқи билан фахрланамиз ва унга қойилмиз, у ўзининг фидокорона меҳнати билан жуда катта муваффақиятларга эришди. Эндиликда румин халқи социалистик заминда маҳкам турибди. Руминияда социализм саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам ғалаба қилди.

Сўнгра Н. С. Хрушчев халқаро аҳволнинг баъзи масалалари ҳақида гапирди. Биз, деди Н. С. Хрушчев, ёппасига ва батамом қуролсизланишни, ядро қуроли синовларини тўхтатишни муттасил талаб қилмоқдамиз. Афсуски, америкаликлар ва уларнинг Ғарбдаги шериклари ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартномани имзолашга ҳозирча рози бўлмаётирлар. Бу нарса эса, бизни ўз мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамламоқ учун ракеталар, бомбалар ва бошқа воситаларни ишлаб чиқаришга мажбур этмоқда. Бизнинг бошқа иложимиз йўқ. Биз энг мукаммал ҳарбий техника ва ярoғ-аслаҳа билан қуролланган армияни сақлаб туришга мажбурмиз.

Америка ва Ғарбий Германия генераллари, деди сўнгра Н. С. Хрушчев, — нутқлар сўзлаб, фалонча қурол-ярoғ тўплаб қўйдик, Совет Иттифоқини емириб ташлай оламиз, деб мақтанмоқдалар. АҚШ президентининг ўзи, жаноб Кеннеди, баъзи ҳолатларда Қўшма Штатлар биринчи бўлиб ташаббус кўрсатиши ва Совет мамлакатига қарши ядро уруши бошлаб юбориши мумкин, деган гапни айтди. Биз буни ҳамиша эсда тутишимиз лозим, ўртоқлар. Бу гапни Америка президенти айтди, бу гапни америкалик генераллар айтмоқдалар, ҳозир НАТОда етакчи роль ўйнаб турган немис, гитлерчи генераллар айтмоқдалар.

Империалистлар бизга қарши уруш бошлаймиз, деб дағдаға қилмоқдалар. Лекин ҳозир аҳвол шундайки, улар уруш бошламасдан олдин бу урушнинг оқибати нима бўлишини яхши ўйлаб кўришлари керак. Улар орасида энг узоқни кўра оладиган кишилар шундай тўғри хулосага келмоқдаларки, бизнинг мамлакатимизга ҳужум қилиш ўз-ўзини ўлдириш бўлур эди, чунки биз шундай жавоб зарбаси бериш имкониятига эгамизки, бизнинг бу зарбаларимиз натижасида душманларимиздан ҳеч бир асар қолмайди.

Биз, деди Н. С. Хрушчев, АҚШ билан урушишни истамаймиз; биз америкаликларнинг устига бомбалар ташлашни истамаймиз, биз ҳеч бир халқнинг устига бомбалар ташлашни истамаймиз.

Биз социалистик мамлакатларда яшаб турибмиз. Сиз, жаноб империалистлар бизнинг бўстонимизга тумшуғингизни суқманг.

Биз бошқа халқларнинг ички ишларига аралашмай, ҳамма халқлар билан тинчликда яшашни истаймиз. Халқлар ўзларига кўпроқ маъқул бўладиган ижтимоий тузумни ўзлари танлаб олаберсинлар.

Социализмнинг қизил байроғи Америка Қўшма Штатлари устида ҳам ҳилпирайдиган вақт келади албатта, биз эртаги куннинг келишига қандай ишонсак, бунга ҳам қатъий ишонамиз.

Бу байроқни биз ўрнатмаймиз, балки бу байроқни Америка ишчилар синфининг ўзи, Америка халқи ўрнатади.

Биз, деди сўнгра Н. С. Хрушчев, АҚШга ва бошқа мамлакатларга ҳар иккала герман давлати билан Германия сулҳ шартномасини имзолашни ва шу асосда Ғарбий Берлинни эркин шаҳарга айлантириш масаласини ҳал этишни таклиф қилаётирмиз. Лекин улар билан бамаслаҳат бир фикрга келишга муваффақ бўлолмасак, у ҳолда биз сулҳ шартномасини Германия Демократик Республикаси билан имзолаймиз. Шу тариқа Ғарбий Берлиндаги оккупация режимига хотима берилади.

Бунга жавобан бизга уруш очамиз, деб дағдаға қилмоқдалар. Лекин шуни айтишим керакки, фақат ақлдан озган кишиларгина шундай қилишлари мумкин, чунки ҳозирги вақтда кнопкани босиб бизга қарши уруш бошлаб юбориш кнопкани босган кишиларга қарши ҳам кнопкани автоматик равишда босиб юбориш бўлади — ракеталар урушни бошлаганларнинг бошига ҳам бориб тушаберади. Бинобарин, фақат ўз-ўзини ўлдирмоқчи бўлганларгина уруш бошлаши мумкин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Румыния ишчи партияси бир-бири билан жуда қалин дўст ва улар ўртасида тўла якдиллик бор. Мамлакатларимизнинг ҳукуматлари ўртасида тўла ҳамжиҳатлик мавжуд.

Марказий Комитетлар ўртасидаги ва шахсан мен билан ўртоқ Георгий Георгиу-Деж ўртасидаги, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари билан Румыния Ишчи партияси Сиёсий бюросининг аъзолари ўртасидаги муносабатлар ҳам жуда яхши, чинакам қардошлик муносабатларидир.

Халқларимиз ўртасида мустаҳкам, бузилмас дўстлик вужудга келди. Бизнинг мақсадимиз битта, у ҳам бўлса янги турмуш қуриш, социализм ва коммунизм қуришдир. Бу — халқларимизнинг муқаддас мақсадидир. Ишонаманки, биз бундан буён ҳам умумий сафда ёнма-ён туриб, биргаликда олға бораверамиз.

ОНЕШТЬ шаҳри (Бакэу области), 20 июнь. ТАССнинг махсус мухбирлари **Д. Бочаров** ва **К. Кравченко** хабар берадилар:

Н. С. Хрушчев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси Румыния Халқ Республикасига келганига тўрт кун бўлди. Делегация мамлакат бўйлаб сафарга чиқди. Делегациянинг бу сафарида Румыния ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Румыния Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Г. Георгиу-Деж, Румыния Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси И. Г. Маурер, Румыния ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Н. Чаушеску, Г. Апостол ва Руминиянинг бошқа раҳбар арбоблари ҳамроҳ бўладилар.

Қарийб 300 километрлик йўлнинг бутун бўйидаги шаҳар, қишлоқларда, темир йўл станцияларида Румыния Халқ Республикасининг минг-минглаб меҳнаткашлари совет халқининг вакилларини шодиёна табрикладилар.


**(Давоми иккинчи бетда).**


## БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

Бу йил областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари она-Ватанга камида 503 минг тонна пахта, 230 минг тонна каноп пояси, кўп миқдорда гўшт ва сут, шунингдек мўл-кўл сабзавот ва полиз экинлари ҳосилини етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Саноатчиларимизнинг ҳам белгилаган марралари жуда юксак. Улар йиллик планни 26 декабрда бажариш ва пландан ташқари мамлакат халқ хўжалиги учун кўп миқдорда турли хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган.

Кўриниб турибдики, зиммамиздаги вазифалар жуда катта ва масъулиятли. Бу вазифаларни шараф билан бажариш даставвал бошланғич партия ташкилотларимизнинг ғайрат ва ташаббусига боғлиқдир. Бошланғич партия ташкилотларининг ишчанлик қобилияти қанчалик юқори бўлса, сиёсий, хўжалик ва маданий соҳаларда турган вазифаларни ҳал этишда шунчалик катта муваффақиятларга эришилади.

Бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни ва партиясизлар оммасини улуғ коммунизм ишига садоқат руҳида тарбияламоқдалар, коммунистларнинг меҳнатдаги, корхонанинг, колхоз ва муассасаларнинг ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётидаги авангардлик ролини муттасил ошириш тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари коммунистик қурилишнинг навбатдаги вазифаларини ҳал қилишда меҳнаткашлар оммасининг чинакам ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқмоқдалар, давлат планлари ва олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла ҳамда ошириб бажарилиши учун олиб борилаётган курашга бошчилик қилмоқдалар. Улар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг ички резервларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш йўлида, фан ва техника ютуқлари, илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилиш йўлида большевикча ғайрат ва қатъият билан кураш олиб бормоқдалар.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг партия ташкилоти (секретари ўртоқ Мадалиев) ўз мавқеи ва ролини жуда яхши тушунган ҳолда иш олиб бормоқда. Дала ишларини комплекс механизациялаш, кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш каби энг муҳим масалалар партия ташкилотининг доимо диққат-эътиборида турибди. Шу сабабли колхозда пахтачилик билан бир қаторда хўжаликнинг бошқа соҳалари ҳам комплекс ривожланмоқда. Бу хўжалик республикамиздагина эмас, балки Иттифоқ бўйича машъал хўжаликлардан бири бўлиб қолди. Худди шунингдек Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозлари, «Ташкабель» ва «Чирчиксельмаш» заводларининг партия ташкилотлари ҳам жанговарлик билан зўр фаолият кўрсатиб ишламоқдалар.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида, колхоз ва совхозларда бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини паст савияда олиб бормоқдалар. Улар ишлаб чиқаришга актив таъсир кўрсатмаётирлар, маъмурият хўжалик фаолияти устидан назоратни етарли даражада амалга оширмаётирлар. Янгиликларни ўз вақтида пайқаб олиш ва қўллаб-қувватлаш, ишда жон куйдириш, ташаббус кўрсатиш, коллективни юз берган қийинчиликларни дадил енгиб ўтишга даъват этиш, қўлга киритилган муваффақиятларни амалий ишлар билан тинмай мустаҳкамлаш — ана шу энг муҳим хислатлар бир қатор партия ташкилотлари фаолиятида яққол кўзга ташланмаётир. Бунинг сабаби шундаки, айрим шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг секретарларини танлаш, уларни қунт, сабот ва чидам билан ишга ўргатиш, тарбиялаш каби муҳим масалаларга етарли даражада эътибор бермаётирлар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз партия комитетининг секретари ўртоқ Саидхўжаев область партия комитети ва район партия комитетида уюштирилган семинарларда бир неча бор бўлди. Бу семинарларда партия ва хўжалик масалалари кўрилган ва илғор партия ташкилотларининг тажрибалари ўртоқлашилган эди. Лекин коммунист ўртоқ Саидхўжаев ана шу семинарларда ўрганган янгиликларни ўз хўжалигида жорий қилиш, бутун партия ва хўжалик ишларини жонлантириб юбориш ўрнига бояги-боягича бепарво юраберган. Икки йил мобайнида партия комитетининг ҳатто иш плани ҳам тузилмаган, Хўжалик ва оммавий-сиёсий ишларни ўз оқимига ташлаб қўйган, уларнинг йўналишига таъсир ўтказишни истамаган бундай партком секретаридан нимани кутиш мумкин? Партком секретарининг қобилиятсизлиги умуман совхоз партия ташкилотининг иш фаолиятига салбий таъсир қилмасдан қолмади, албатта.

Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик ва ишчанлик қобилиятини ошириш шаҳар ва район партия комитетларининг доимо диққат эътиборида туриши лозим. Энг яхши партия ташкилотларининг тажрибаларини оммалаштириш айниқса катта аҳамиятга эгадир. Шунга эришмоқ керакки, шаҳар ва район партия комитетларининг бюро йиғилишлари ва пленумларида бошланғич партия ташкилотларининг роли ва мавқеини ошириш масалалари вақти-вақти билан муҳокама қилиниб турилсин.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир корхона, ҳар бир қурилиш ташкилоти, ҳар бир колхоз ва совхозда ишнинг аҳволини ҳар тарафлама синчиклаб ўрганиб боришлари, камчиликларни туғдираётган сабабларни аниқлашлари ва уларни тугатиш йўлида зўр ғайрат ва сабот билан ишлашлари лозим. Танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш, партия ва давлат интизомини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, бўшанглик, хўжасизлик ва исрофгарчиликнинг ҳар қандай кўринишларига шафқатсиз кураш олиб бориш — бошланғич партия ташкилотларининг шон-шараф ишидир.

## ГЎШТ ҲАМ, СУТ ХАМ МЎЛ БЎЛАДИ

*ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИНИНГ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КУПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ИШЛАБ ЧИҚҚАН ТАДБИРЛАРИ*

### ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

**Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг аъзолари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан жамоат хўжалигини ривожлантириш соҳасида янги марраларни белгиладилар. Улар шу йилнинг ўзидаёқ пландагига нисбатан анча кўп миқдорда маҳсулот етиштириш, чорва маҳсулотлари таннархини арзонлаштиришга қарор қилдилар.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Политотдел» колхози коллективининг бу тадбирларини маъқуллади ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига, область ва район партия комитетларига, обкомнинг партия ташкилотчиларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларига «Политотдел» колхози ишлаб чиққан тадбирларни ҳамма колхоз ва совхозлардаги колхозчи, ишчи ва хизматчиларга кенг тушунтиришни, шу асосда хўжаликларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқишни топширди.**

Колхозимиз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини юксалтиришга доир чиқарган қарорларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бутун халққа ва қишлоқ меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаати колхозчиларимизни, мутахассисларимизни пахта, луб экинлари, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун янги резервларни қидириб топишга, янада унумли меҳнат қилишга илҳомлантирди.

Биз қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари — пахтачилик, лубчилик ва чорвачилик юқори даражада ривожланган бўлиши учун курашмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан биз бу йил пландан ташқари 306 тонна пахта, 6730 тонна каноп пояси, 100 центнер каноп уруғи, 4000 центнер юқори сифатли гибрид маккажўхори уруғи етиштиришга аҳд қилдик. Йил охирига қадар 690 центнер мол гўшти, 800 центнер чўчқа гўшти, 320 центнер қўй гўшти, 120 центнер парранда гўшти етиштирамиз. Ҳаммаси бўлиб, 1930 центнер гўшт (сўйилган вазнида) тайёрланади. Бу — планда кўрсатилгандан 390 центнер кўпдир. Колхозда шу йилнинг июнь-декабрь ойлари мобайнида пландан ташқари 500 центнер сут, 485 минг дона тухум етиштирамиз.

Биз шу йилнинг ўзидаёқ ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига сўйилган вазнда 54,2 центнер гўшт, қишлоқ хўжалигига яроқли бошқа ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига эса 11,7 центнер гўшт оламиз, Қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар 100 гектар ер ҳисобига 265,3 центнер сут етиштирамиз. Дон экинлари экиладиган майдонларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 80 минг дона тухум оламиз.

1963 йилда пахта, луб. экинлари, гўшт, сут ва тухум етиштиришни янада кўпайтиришга эришамиз. Биз келгуси йилда гўшт етиштиришни 710 центнер ёки 1962 йилдагига нисбатан 37 процент кўпайтиришга эришамиз ва бу билан КПСС Марказий Комитети март Пленуми белгилаган биринчи марра — ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 75 центнер, бошқа ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 16 центнердан гўшт етиштирилишини таъминлаймиз. 1963 йилда сут етиштириш 1000 центнер, тухум етиштириш 200 минг дона кўпаяди. Чорва молларни ширали озуқалар билан мўл-кўл таъминлаймиз. Маккажўхори майдонларининг ҳар гектаридан 2000 центнер кўк поя, 50 центнердан дон олинади. Нўхат, соя, беда, илдиз мева экинларидан мўл ҳосил олинади. Нўхат ўриб олингач, бу майдонларга маккажўхори экамиз ва шу орқали қўшимча равишда 20 минг центнер кўкпоя оламиз.

Чорвадорларимиз, мутахассисларимизнинг бутун диққат-эътибори озуқани тежаб, тўғри сарфлаш, чорва молларни яхши парвариш қилишга қаратилган.

Биз шу йилнинг охиригача ҳамма сигирларни механизация воситасида соғишга кўчамиз. Озуқа тарқатадиган аппарат сотиб олиб, фермадаги ҳамма ишларни комплекс механизациялаштирамиз. Ҳозир иккита сигирхонада сигирлар боғлаб боқилмоқда. Бу сигирхоналарни қайта ускуналаб, сигирларни боғламасдан боқа бошлаймиз.

Июль ойида 100 бош урғочи чўчқани боқишга мўлжалланган механизациялашган чўчқахона қуриб битказилади. Йил охирига қадар чўчқалар сони 1500—1700 бошга етказилади.

Август ойида эса 6 минг товуққа мўлжалланган механизациялашган паррандахона қуриб битказилади. Йил охирида бу паррандахонада тухум қиладиган 12000 та товуқ бўлади.

Мўл ва арзон озуқа жамғариш, фермаларни механизациялаш соҳасида белгиланган бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида биз гўшт таннархини шу йилнинг ўзидаёқ 31 процент, сут таннархини 33 процент арзонлаштиришга муваффақ бўламиз.

Натижада колхоз йил охирига бориб чорвачиликдан 505870 сўм ёки ўтган йилдагига нисбатан 61750 сўм кўп даромад олишни мўлжалламоқда. Чорвачиликдан 160936 сўм соф фойда оламиз.

Хўжалигимизда чорвачиликнинг ҳамма тармоқлари ҳозироқ рентабелли бўлиб қолди.

Бу йил биз колхозда балиқ урчитиш ва боқишни ташкил этдик. Йил охиригача 150-200 центнер балиқ оламиз.

Партиямиз бизга қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантиришнинг йўлларини кўрсатиб бермоқда. Ана шунга амал қилаётган колхозчиларимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йилдан-йил кўпайтириб, унинг таннархини арзонлаштириб, юксалиш сари дадил қадамлар ташлаб бормоқдалар.

«Лекин фақат юксак харид нархларга умид боғлаш — ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи бошқа факторларини унутиб қўйиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда перспективани қўлдан бериб қўйиш демакдир».

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатида айтилган бу сўзлар жуда тўғридир. Биз, агар ҳар бир хўжаликда фойдаланилмаётган резервлар ишга солинса, қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини кескин ривожлантириш, давлатга ҳар қачонгидан ҳам кўп пахта, гўшт ва сут етказиб бериш мумкин деб ҳисоблаймиз.

**М. Г. ХВАН,** Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси. **С. КИМ,** партия ташкилотининг секретари. **Л. ЛИ,** маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи. **Р. КВОН,** сут соғувчи.

## АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига қарашли корхона ва ташкилотлардаги коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари ва зарбдорлари бўлган ёшларнинг 19 июнда Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган кенгаши «Коммунизм қурилишлари учун кўпроқ юк ташиб берайлик!» деган шиор остида ўтди. Шу куни Дзержинский номли Маданият уйининг залини автомашиналарнинг илғор шоферлари, авторемонт корхоналарининг новаторлари, йўл хўжаликларининг энг яхши ходимлари тўлдирдилар.

Докладчи — Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министри И. В. Стрельцов, шунингдек сўзга чиққан Нукусдаги 51- автобаза шофери И. Асубоев, Қўйлиқ эксплуатация бошқармасининг йўл устаси М. Ҳакимова, Андижондаги автоколонна ишчиси З. Бадриддинов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов, алоқа ходимлари, автотранспорт ва тош йўл ишчилари касаба союзи республика комитетининг раиси Ғ. Обидов ва кенгашнинг бошқа қатнашчилари автомобиль транспортининг кўпгина ходимлари ишлаб чиқаришда қўлга киритган муваффақиятлар ҳақида гапириб, республика халқ хўжалигида автомобиль транспортининг роли тўхтовсиз ошиб бораётганлигини айтдилар.

Кенгаш қатнашчилари гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома қабул қилдилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон касаба союзлар совети, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ҳамда алоқа ходимлари, автомобиль-транспорти ва тош йўл ишчилари касаба союзи республика комитетининг Фахрий ёрлиқлари, шунингдек «Социалистик мусобақа аълочиси» значоклари билан мукофотланган республика автомобиль ва йўл хўжаликлари илғорларининг рўйхати кенгашда ўқиб берилди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Ф. Е. Титов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

